

## ДИН - МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА

Дилдор Норматова

Доцент, фалсафа фанлари номзоди, Фарғона давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7068058>

**Аннотация:** Мақолада дин – маънавий қадрият сифатида таҳлил қилинган. Бугун мамлакатимиз фуқаровий жамият ва ҳуқуқий дунёвий давлат барпо этишининг методологик ва назарий асослари барча ривожланган давлатлар каби дунёвийлик ва ҳақиқий демократия тамойилларига оғишмай амал қилиб келаётганлиги, республикамызда виждон эркинлиги ҳуқуқий кафолатланган ва толерантлик (диний бағрикенглик) тамойили амалий жиҳатдан ҳаётимизга, турмуш тарзимизга сингдирилганлиги ёритилган.

**Калит сўзлар:** диний бағрикенглик, толерантлик, диний ташкилотлар, виждон эркинлиги, маънавият, миллий қадриятлар, диний-фалсафий тафаккур, ижтимоий-ахлоқий қадриятлар, комил инсон.

### RELIGION AS A SPIRITUAL VALUE

**Abstract:** The article analyzes religion as a spiritual value. Today it is highlighted that the methodological and theoretical foundations of building a civil society and a secular state based on the rule of law in our country, as in all developed countries, operate without deviating from the principles of secularism and genuine democracy, that freedom of conscience is legally guaranteed in our republic, and the principle of tolerance (religious tolerance) is practically embedded in our life, the image of life.

**Keywords:** religious tolerance, tolerance, spirituality, national values, religious and philosophical thinking, social and moral values, comprehensively developed person

### РЕЛИГИЯ – КАК ДУХОВНАЯ ЦЕННОСТЬ

**Аннотация:** В статье анализируется религия как духовная ценность. Сегодня освещено, что методологические и теоретические основы построения гражданского общества и правового светского государства в нашей стране, как и во всех развитых государствах, действуют, не отклоняясь от принципов секуляризма и подлинной демократии, что в нашей республике юридически гарантирована свобода совести, а принцип толерантности (религиозной терпимости) практически внедрен в нашу жизнь, образ жизни.

**Ключевые слова:** религиозная толерантность, толерантность, духовность, национальные ценности, религиозно-философское мышление, социально-нравственные ценности, всесторонне развитый человек

### КИРИШ

Мустақиллик туфайли давлатнинг динга муносабати тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ барча фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатланган. Ҳар бир инсонга хоҳлаган динга этикод қилиш ёки ҳеч қайси динга этикод қилмаслик ҳуқуқи берилган. Диний қарашларни мажбуран сингдириш қатъиян маън этилган. Диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг давлатдан ажратилгани ҳамда уларни қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган. Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин ўз олдида дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш, очик фуқаровий жамият ва ҳуқуқий демократик давлат қуришни мақсад қилиб қўйди. Маълумки, мамлакатимизда бошқарувнинг демократик тизими йўлга қўйилган ва у ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Кўпгина ривожланган давлатларда фуқаролик жамияти асосларини

шакллантириш муайян даражада эришилган бўлса-да, уни янада такомиллаштириш жараёни давом этмоқда. Фуқаролик жамияти тушунчаси асосида инсон эркинлиги, унинг барча кўриниш ва муносабатларда намоён бўлиши ғояси ётади. Хусусан, у иқтисодий соҳада – хусусий мулкка эга бўлиш, сиёсий соҳада сиёсий ҳаётда иштирок эта олиш, ҳуқуқий соҳада – тенг ҳуқуқлилиқ, ижтимоий соҳада – уюшмаларга бирлашиш, диний соҳада – виждон эркинлиги, маданий соҳада – маданий хилма-хиллик, миллатлараро ва ирқлараро муносабатларда – миллатлар, ирқларнинг тенглиги ва толерант муносабатда бўлиш, коммуникация соҳасида – ахборотларни эркин айирбошлаш ва сўз эркинлиги, мафкуравий соҳада – ғоявий хилма-хиллик, плюрализм, миграция соҳасида – инсоннинг яшаш жойини эркин танлаш, руҳий соҳада – инсон хурфикрлилиги ва фикрларнинг тенг ҳуқуқли рақобати асосида ривожланиши орқали амалга ошади, деб эътироф этилди.

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистон бошқа давлатлар каби дунёвий давлат куришда инсоният аввал босиб ўтмаган, янги йўлдан бормоқда. Бу йўлда инсон фаоллиги, эркинлиги, ташаббуси ва ижодкор кучини ривожлантириш асосида фуқаролик жамияти барпо этмоқда. Ўзбекистон фуқаровий жамият ва ҳуқуқий дунёвий давлат барпо этишнинг методологик ва назарий асослари барча ривожланган давлатлар каби Ўзбекистон ҳам дунёвийлик ва ҳақиқий демократия тамойилларига оғишмай амал қилмоқда. Мамлакатимизда виждон эркинлиги ҳуқуқий кафолатланган ва толерантлик (диний бағрикенглик) тамойили амалий жиҳатдан ҳаётимизга, турмуш тарзимизга сингдирилган. Бундай ноёб ижтимоий ҳодиса Ўзбекистонда пайдо бўлган ва ўзбек халқининг тимсолига ва миллий маънавиятига айланган. Шунинг учун ҳам диний асосда тарихимизнинг энг қалтис даврларида ҳам бирон-бир низо келиб чиқмаган. Бу тамойил ҳатто ривожланган мамлакатлар томонидан ўрганилмоқда ва диншунослар томонидан чуқур илмий таҳлил қилинмоқда.

Дин тарихи инсоният тарихининг ажралмас қисми, у барча даврларда маънавий-маданий ҳаётнинг муҳим бир бўлаги бўлиб келган ва иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётга бевосита ва билвосита таъсирини кўрсатиб келган. Ундан ташқари, ўзбек маданияти заминида ислом таълимоти мавжуд ва унинг таъсирида ривожланган. Демократик дунёвий тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизда дин ранг-баранг маънавий-маданий ва тарихий қадриятлар тизимидаги тенг ҳуқуқли бўғин, у бошқа бўғинлардан заифроқ ҳам ёки устунроқ ҳам эмас. Бизнинг дунёвий давлатимиз ва фуқаровий жамиятимиз негизи қилиб белгиланган хурфикрлик тамойили ҳам ана шу тажрибалар идрокига асосланган. Дин дунёвий давлат тузуми билан нафақат муроса қилиши, балки умуммиллий юксалиш йўлида у билан самарали ҳамкорлик қилиши мумкин.

Дунёвий давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида, турмуш тарзимизда диннинг ўрни ва аҳамияти, роли ва мавқеи тобора кучайиб бормоқда. Жамият ҳаётидаги маънавий ўзгаришлар, маънавий тафаккур, унинг тизими ва ўзига хос хусусиятларидир.

Узоқ йиллар давомида ўзбек халқининг қадимий ва бой маънавияти ҳамда бебаҳо миллий қадриятлари коммунистик мафқуранинг якка ҳокимлик сиёсати таъсири остида қадрсизлантирилди. Лекин халқни ўз маънавияти, маънавий мероси ва қадриятларидан бутунлай маҳрум қилиб бўлмаслиги тарихий тараққиёт жараёнида исботланди. Мамлакатимизда мустақиллик туфайли маънавият, маънавий мерос ва қадриятлар масаласига янгича ёндашув шаклланди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, халқимизнинг маънавий руҳини, давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш,

ривожлантириш, жамиятимизни янада равнақ топишига эришишда маънавиятнинг ва кадриятларимизнинг аҳамияти беқиёс эканлиги намоён бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги ривожланиши даврида маънавият ва кадриятларни тиклаш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жамиятимизнинг иқтисодий ижтимоий-сиёсий соҳаларидаги каби маънавий соҳасида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Айниқса жамиятимизнинг маънавият соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар унинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий соҳаларидаги каби муҳим аҳамиятга эга.

“Маънавият” умумий тушунча бўлиши билан бирга у аниқ ҳаётий шарт-шароитларда “фаолият кўрсатувчи ва аниқ шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ифодаловчи тушунчадир, деб айтиш мумкин. Агар “маънавият” тушунчасини амалий кўринишларидаги айримларини санаб, мана шу хусусият, белги ҳамда фазилатлар маънавиятни ифодалайди, деган хулоса ногўғридир. Чунки, бундай ҳолатда маънавият тушунчасига кирувчи, уни тўлдирувчи ва бошқа ҳаётий амалларда нурланувчи маънавият қирралари очилмай қолади. Маънавият тушунчасига яна қуйидагича таъриф мавжуд. “Маънавият жамият ҳаётининг барча соҳалари билан узвий боғлиқ, бошқача қилиб айтганда, ижтимоий турмуш, инсон фаолиятининг бирон-бир қирраси йўқки, у маънавият руҳи билан чўлғаб олинмаган бўлса”[1]. Бизнинг фикримизча фалсафий мазмундаги ушбу таъриф умумий жиҳатдан берилган.

#### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМА**

Шу нарсага алоҳида эътибор қаратиш керакки, маънавият инсоннинг маълум даражадаги жисмоний, ақлий, ахлоқий ва руҳий балоғатини ва дунёқарашини ифодаловчи тушунчадир. Маънавият инсонни бошқа тирик мавжудотлардан ажратиб туради. Фақат инсонгина юксак маънавият соҳиби бўлиши мумкин. Инсонда табиий эҳтиёжлар билан бирга унинг маънавий дунёси ҳам мавжуд. Ҳар бир шахс, ҳар бир элат, халқ, миллат ва жамият ўз маънавиятига эга. Умумий тарзда маънавият инсонликни рўёбга чиқариш усулидир деб таърифланади. Исломий кадриятлар тизимида диний-фалсафий тафаккурнинг ўзига хос йўналиши бўлган тасаввуф таълимоти ҳам шахс ва жамият муносабати масаласида муҳим ўрин эгаллаган. Марказий Осиёдан етишиб чиққан Абдулҳолик Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби мутасаввифлар ва тариқат асосчиларининг диний-фалсафий қарашларида ижтимоий-ахлоқий, инсоннинг маънавий камолоти масалалари тасаввуф фалсафасининг асосий жиҳатларидан бири сифатида айниқса, шахс ва жамият муносабатлари масаласида яққол кўзга ташланади. Солиқнинг жамиятдаги мол-мулкка, бойликка қараб интилиши эмас, балки Аллоҳнинг душмани бўлган шайтон куткусини енгиб, раҳмоний фазилатларга эга бўлиши лозим.

Бу диний фалсафий қарашларда инсоннинг моддий дунёга, инсоний муносабатларга нисбатан муносабати фақат бир томонга, яъни фақат Худонинг борлигини англашга йўналтирилган бўлсада, кишиларнинг жамиятдаги тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилиб, мол-мулкка хирс қўйиб, эгоистик хусусиятларидан фориғ бўлишга даъват этилади. Яна тасаввуф фалсафасида инсоннинг ҳаётдаги тутган ўрни, ижтимоий ҳаётга муносабати, жамиятдаги мулкий тенгсизликлар, умуман инсон қалбидаги салбий ҳолатларнинг барчасини сўфийликда ахлоқий жиҳатдан тузатиш керак деб тушунилади, чунки уларнинг ҳаммасининг сабабчиси нафсдир. Демак, нафсни тийиш, тартибга солиш орқали шахс ва жамиятга оид масалалар ўз ечимини топади.

Тасаввуф таълимотида шахс ва жамият муносабатларини англаш ва умуман дунёни билиш усули ва ундан кўзланган мақсад илоҳий моҳиятни, илоҳий ҳақиқатни билишдир.

Инсон Аллоҳнинг ердаги халифаси бўлганлигидан, ундан Аллоҳ сифатлари ва «яширин хазина» бўлган илму-ҳикматларнинг бир қисми инсон қалбига жойлашганлиги туфайли, сўфий илоҳий моҳиятни билишга интилиши лозим. Тасаввуфда шахснинг ижтимоий-маънавий моҳияти, реал ҳаётдаги фаолияти, жамият ва инсонлар билан муносабати масаласини ўзига хос талқин қилувчи тамойиллардан бири – буюк мутасаввиф Баҳоуддин Нақшбанд томонидан ўртага ташланган «Дил ба ёру, даст ба қор» шиоридир. Бу ҳақда мамлакатимиз тасаввуфшунослигида қатор фикрлар билдирилган. Бизнингча, ушбу шиорнинг ижтимоий-маънавий ва ахлоқий-тарбиявий аҳамиятини тўлиқ ва мукамал ёритишга ёрдам берувчи хулосалардан бири – тадқиқотчи С.Т.Исмоилов хулосаларидир[2].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Нақшбандий таълимоти тасаввуф йўлидаги комил инсонни тарбиялаш йўллари ичида энг мукамаллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам уни барча сўфийлик тариқатларининг хулосаси деб тан олганлар[3]. Бу таълимот миллий маънавиятимиз асосларидан биридир[4].

Инсоннинг маънавиятини белгилайдиган асосий мезон – адолат, иймон, инсоф, ҳалоллик, билим, дунёқараши бўлиб, инсон ўз ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларида ана шу тамойилларга амал қилса, ҳаёт кечирса, меҳнат қилса, бошқалар билан муносабатда бўлса, эл-юртига, халқига садоқат, фидойилигини намоён этса, юксак маънавият эгаси бўлади.

## ХУЛОСА

Кишилик жамиятининг илк давридан бошлаб дин, шахс ва жамият муносабатлари масаласи ва у билан узвий боғлиқ ижтимоий тараққиёт муаммоси ҳамма вақт илғор фикр эгаларининг диққат марказида бўлиб келган. Бу ҳақдаги дастлабки тушунчалар диний тасаввурлар, қарашларда ўз ифодасини топган, яъни шахс ва жамият фаолиятига ўз таъсир кучини кўрсатувчи ташқи кучлар мавжуд, деган фикрлар шакллана бошлаган. Кейинчалик диний тизим, жаҳон ва миллий динларнинг шаклланиши билан уларнинг диний манбаларида шахс ва жамият муносабатлари ҳамда ривожланиш йўллари Худонинг иродаси билан бошқарилади, деган тасаввур ва тушунча мустаҳкамланган. Шундай қилиб, жаҳон динлари буддавийлик, христианлик ва ислом таълимотларида шахс ва жамият муносабатлари билан боғлиқ омилларнинг диний тушунчаси вужудга келган. Ижтимоий тараққиётда шахс ва жамият муносабатлари муаммосига диний қарашлардан ташқари, илмий ва фалсафий ёндошувлар ҳам бир вақтда шакллана борган. Улар фан далилларига суянган ҳолда шахс ва жамият билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ва фалсафий тушунчасини ишлаб чиқиб, ҳаётга тадбиқ қилишга ҳаракат қилганлар.

Ислом таълимотида шахс тарбияси масаласи, ислом таълимоти манбаларидаги шахснинг ақидавий ва ҳуқуқий асослари, Марказий Осиё мутафаккирлари дунёқарашида шахс ва жамият муносабатларининг назарий масалалари таҳлил қилиниб, уларнинг ҳозирги давримиз учун маълум даражадаги ижтимоий ва маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга эканлиги етарли маълумотлар таҳлилида асослаб берилди. Шунингдек, шахс ва жамият муносабатлари масаласини ҳозирги даврда турли экстремистик гуруҳлар томонидан сиёсийлаштиришнинг Ўзбекистон миллий хавфсизлиги ва ижтимоий-сиёсий барқарорлиги учун таҳдидининг мафкуравий ва ғоявий жиҳатлари ва уларнинг амалдаги салбий оқибатлари таҳлил қилинди ҳамда бу ҳақда хулосалар қилинди.

Диний экстремизмнинг шахс ва жамият муносабатларини сиёсийлаштиришига қарши мафкуравий ва ғоявий муҳим кураш воситаси – диний бағрикенглик анъаналарининг тарихий илдизларига суянган ҳолда уни янада ривожлантириш вазифалари ҳамда уларнинг мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдаги, фуқароларни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги юксак аҳамияти ёритилди. Шундай қилиб, жаҳон динлари буддавийлик, христианлик ва ислом таълимотларида шахс ва жамият, қадриятлар, маънавий маданият муносабатлари билан боғлиқ омилларнинг диний тушунчаси вужудга келган.

#### Адабиётлар

1. Умаров э., Абдуллаев М. Маънавият асослари - Тошкент: Шарқ, 2005.- Б. 44.
2. Исмоилов С.Т. Нақшбандий тариқатининг тасаввуф тараққиётидаги ўрни. // Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати.-Т.: 2006. – Б.15.
3. Наврўзова Т.Н. Нақшбандий тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. // Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати.-Т.: 2002. – Б.36.
4. Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари.-Т.: Тошкент ислом университети. 2001. – 432 б.
5. Каримов, У. У. (2017). РОЛЬ СРЕДСТВ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ В ПРОЦЕССЕ ГЛОБАЛИЗАЦИИ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2017)* (pp. 1189-1192).
6. Normatova D. E. PECULIARITIES OF ANTHROPOCENTRISM AND HUMANISM OF THE SOCIO-PHILOSOPHICAL THOUGHT OF WESTERN EUROPE IN THE ERA OF RENAISSANCE //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 5. – С. 168-173.
7. Normatova D. E. THE SOCIAL AND MORAL VIEWS OF MICHELLE ECKEM DE MONTEN //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 10. – С. 184-187.
8. Каримов, У., Хакимова, Д., & Тулкинов, З. (2018). ЗАДАЧИ ПОСТРОЕНИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА. *Теория и практика современной науки*, (10), 193-195.
9. Каримов, У. (2017). ИНФОКОМТЕХНОЛОГИИ (ИКТ) ФОРМИРОВАНИЕ ДУХОВНЫХ ХАРАКТЕРИСТИК ЛИЧНОСТИ. In *Перспективные информационные технологии (ПИТ 2017)* (pp. 1160-1163).
10. Yuldashev, I. A. (2020). Pedagogical Bases Of Formation Of Social Activity In Pedagogical Sciences. *Теория и практика современной науки*, (5), 67-69.
11. Karimov, U. U. (2021). Scientific and Theoretical Foundations of the Formation of the Social Environment in the Family. *Oriental Journal of Social Sciences*, 37-40.
12. Тешабаев, М. М. (2011). Формирование основ нравственной культуры личности в образовательном процессе и гуманистическое мировоззрение. *Credo new*, (1), 19-19.
13. Тешабоев, М. (2016). МОРАЛЬНАЯ КУЛЬТУРА ЛИЧНОСТИ КАК ФАКТОР УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ОБЩЕСТВА. *Theoretical & Applied Science*, (6), 85-87.
14. Rayimov, A. A., & Karimova, G. Y. (2021). Social Aspects Of The Formation Of Social Activity In Youth. *Oriental Journal of Social Sciences*, 29-32.

15. Usmanov, N., Ganiev, B. S., & Karimova, G. Y. (2021). The Philosophical Basis For The Formation Of Spiritual Maturity Among Young People. *Oriental Journal of Social Sciences*, 33-37.
16. Рафиқова, Д. К., & Каримова, Г. Й. (2020). ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. *ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ*, 2(1).
17. Yuldashev, I. A. (2020). Pedagogical Bases Of Formation Of Social Activity In Pedagogical Sciences. *Теория и практика современной науки*, (5), 67-69.
18. Юлдашев, И. А. (2020). СОТРУДНИЧЕСТВО МАХАЛЛИ И КЕНГАША СХОДА СЕЛЬСКИХ ГРАЖДАН, ШКОЛЫ, СЕМЬИ В ПРОЦЕССЕ ФОРМИРОВАНИЯ У ПОДРОСТКОВ СОЦИАЛЬНОЙ АКТИВНОСТИ. *Редакційна колегія: АА Сбруєва–доктор педагогічних наук, професор (відповідальний редактор)*, 139.
19. Ismoilovich, I. M. (2022). NAQSHBANDIYA TA'LIMOTINING TARBIYAVIY ANAMIYATI. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 88-91.
20. Исроилов, М. И., & Исроилова, С. М. (2022). ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЙЎЛИДА. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 82-87.
21. Salmonov, A., & Boltaboev, M. (2021, August). THE CONSEQUENCES OF THE SOVIET GOVERNMENT'S VIOLENT POLICY TOWARDS NON-MUSLIMS IN UZBEKISTAN: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1251>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.05).
22. Salmonov, A., & Boltaboev, M. (2021, June). THE CONSEQUENCES OF THE SOVIET GOVERNMENT'S VIOLENT POLICY TOWARDS NON-MUSLIMS IN UZBEKISTAN. In *Конференции*.
23. Boltaboev, M. (2020). HISTORY OF RELIGIOUS CONFESSIONAL POLITICS IN THE SOVIET PERIOD. *Theoretical & Applied Science*, (6), 668-671.
24. Yuldashev, S. U. (2019). THE ROLE OF THE FUNCTION OF STABILIZATION AND DEVELOPMENT OF SOCIETY IN SCIENTIFIC MANAGEMENT (AS SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGY). *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 255-259.
25. Yuldashev, S. (2020). Socio-Cultural Technologies in Uzbekistan: History and Now. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 18(1), 171-173.
26. Yuldashev, S. U. (2019). THE ROLE OF SOCIO-CULTURAL TECHNOLOGIES IN SOCIETY. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(10), 187-192.
27. Юлдашев С. У. Давлат ва жамият бошқарувида кадрлар инновацион фаолиятини юксалтиришнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари. НамДУ илмий ахборотномаси - Научный вестник НамГУ. 2021 (9) Б-236-244.
28. Ganiev, B. (2015). Business-Ethics in Islam. *Theoretical & Applied Science*, (7), 177-179.